

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ РЕЙТИНГЛАРДАГИ НУФИЗИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ибрагимова Зулфия Юнусовна¹

¹АИТБ Ипак Юли Банк Чилонзор филиали,
Бош бухгалтер ўринбосари

Аннотация. Жаҳон амалиёти ҳар бир миллий иқтисодиёт ривожланишида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириши манбалари ва шакллари ҳамда уларни жалб этишга доир мезон талаблари даражаси катта аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий рейтинглардаги нуфизини ошириши истиқболлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: халқаро иқтисодий рейтинглар, рейтинглар, хорижий инвестициялар, пандемия, короновирус, COVID-19, давлат харажатлари, иқтисодий эркинлик индекси, индикатор, инфляция, жарима бал, пул-кредит, давлат қарзи.

Абстрактный. Мировая практика показывает, что в развитии каждой национальной экономики большое значение имеют источники и формы финансирования проектов и уровень критериальных требований к их привлечению. В данной статье анализируются перспективы увеличения влияния Узбекистана в международных экономических рейтингах.

Ключевые слова: международные экономические рейтинги, рейтинги, иностранные инвестиции, пандемия, короновирус, COVID-19, государственные расходы, индекс экономической свободы, индикатор, инфляция, штрафной балл, денежный кредит, государственный долг.

Abstract. World practice shows that in the development of each national economy, the sources and forms of project financing and the level of criteria requirements for their attraction are of great importance. This article analyzes the prospects for increasing the influence of Uzbekistan in international economic rankings.

Keywords: international economic ratings, ratings, foreign investment, pandemic, coronovirus, COVID-19, government spending, index of economic freedom, indicator, inflation, penalty point, money loan, public debt.

КИРИШ. Жаҳон амалиёти ҳар бир миллий иқтисодиёт ривожланишида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва шакллари ҳамда уларни жалб этишга доир мезон талаблари даражаси катта аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда. Бу борада мамлакатлар, хусусан, ривожланаётган давлатлар халқаро капитал бозоридан турли шакллардаги хорижий инвестициялар, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўз

иқтисодиётига қулай шартларда жалб қилишга интилади. “Пандемия сабаб бўлган инқироз туфайли дунё мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш қисқарди. Энг катта йўқотишлар ривожланган мамлакатларда юз берди – жалб қилинган инвестициялар Европада 80 фоизга ва АҚШда 40 фоизга камайди. Коронавирус пандемиясига қарамай, иқтисодиёти паст даражада ривожланган мамлакатларга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш барқарор бўлиб қолди, бироқ денгизга чиқиши имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатларда бу жараён кескин камайиб бормоқда”. Бундай шароитда халқаро миқёсда инвестициявий жозибадорликни ошириш муаммолари долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Жаҳонда турли тараққиёт даражасига эга мамлакатларга хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда уларнинг халқаро иқтисодий индекслардаги иштироки ўртасидаги боғлиқлик муаммосига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро иқтисодий индексларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш, уларнинг иқтисодий воқеликни акс эттириш даражасини кучайтириш, турли мамлакатларнинг халқаро иқтисодий индексларда иштироки хусусиятлари ва тафовутларини баҳолаш, миллий иқтисодиётга инвестицияни жалб этишнинг инновацион усул ва шаклларини татбик этиш, инвестициявий жозибадорликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш, халқаро иқтисодий индекслар ва инвестициявий жозибадорлик ўртасидаги боғлиқлик асосида иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш ва прогнозлаш бу борадаги муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда инвестиция муҳитни яхшилаш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. “Мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали 2022-2026 йилларда иқтисодиётга 120 миллиард, жумладан 70 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этиш белгиланган”. Бунда халқаро ва глобал ташкилотлар томонидан юритиладиган мамлакатларнинг инвестициявий жозибадорлигини турли жиҳатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индексларда самарали иштирокини таъминлаш, иқтисодиётнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда ва уни намоён этиш орқали манфаатли сармоялар жалб қилиш долзарб масаладир. Мазкур масаланинг стратегик муҳимлиги ва мамлакат бугунги ҳаётидаги аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда, мазкур мақоланинг долзарблиги намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт

стратегияси тўғрисида», 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида», 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон «**Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қиласди.

МЕТОДОЛОГИЯ. Ўзбекистон Республикасининг соҳага оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мамлакатнинг устувор халқаро иқтисодий индексларда иштирокини инвестиция жозибадорлигига таъсирини тадқиқ қилишнинг меъёрий-хуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатларнинг халқаро иқтисодий индексларда иштирокининг инвестициявий жозибадорликка таъсирини тадқиқ қилишнинг илмий назарий-методологик ҳамда амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан: И.М.Волков, М.В.Грачева, Н.А.Кравченко, К.В.Балдин, О.Ф.Быстров, И.И.Передеряев, М.М.Соколов, Ю.А.Дорошенко, О.В.Борисова, Н.И.Малых, Л.В.Овешникова, С.В.Кузнецова, О.А.Смирнова, А.М.Марголин, А.Я.Быстряков, Й.А.Шумпетер, Т.Г.Глушкова¹ ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил этилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.И.Мустафакулов, А.В.Ваҳобов, Ш.Х.Хажибакиев, Н.Г.Муминов, Д.Ғ.Ғозибеков, А.Ш.Бекмуродов, Б.С.Маматов, Д.Ю.Хужамкулов, О.Ш.Нурбеков, Н.Г.Каримов, Ш.Х.Назаров, Т.К.Нарбаева, Н.Х.Жумаев, Ш.Р.Ражаббаев, О.Б.Саттаров, Р.Х.Бозоров, М.А.Раймжанова ва бошқаларнинг илмий ишларида мамлакатлатларнинг инвестициявий жозибадорлиги ҳамда уларга халқаро иқтисодий индекслардаги

¹ Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Продвинутый курс: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 37 с.; Кравченко Н.А. Инвестиционный анализ. – М.: Дело, 2007. – 12 с.; Балдин К.В., Быстров О.Ф., Передеряев И.И., Соколов М.М. Инвестиции: Системный анализ и управление / Под ред. Проф. К.В. Балдина. – 2-е изд. – М.:Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2007.–16 с.; Дорошенко Ю.А. Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: Дисс.докт. экон. наук. – Белгород, 1998.; Борисова О.В., Малых Н.И., Овешникова Л.В. Инвестиции. В 2 т. Т. 1. Инвестиционный анализ: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2017. – 55 с. Кузнецова С.В., Смирнова О.А. Анализ подходов к оценке инвестиционной привлекательности региона. «Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение». №1 (45) 2016.; Марголин А.М., Быстряков А.Я. Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе экономики. – Челябинск: Южно-Уральское книж. из-во, 1998.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа. СПб.: Экономическая школа, 2004.; Глушкова Т.Г. Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док. науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург, 1998.

кўрсаткичлар таъсирининг айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган². Аммо маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан алоҳида тадқиқот сифатида мамлакатларнинг халқаро иқтисодий индекслардаги иштирокининг инвестициявий жозибадорликка таъсирини тадқиқ қилиш мустақил диссертацион тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Мақолада қўйидагилар таҳлил қилинган:

2030 йилгача бўлган муддатда ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат харажатлари ҳажмини йиллик ўртacha 0,8 фоизли пунктга қисқартириб бориш орқали мамлакат Иқтисодий эркинлик индексининг Давлат харажатлари индикатори бўйича мақсадли параметрларга эришиш имконияти асосланган;

инфляция бўйича сўнгги уч йиллик ва прогноз кўрсаткичларга асосан ҳисоб-китоблардан келиб чиқсан ҳолда нархни назорат қилиш даражаси учун белгиланадиган жарима (PC penalty) баллини пасайтиришнинг минимал кўрсаткичини белгилаш орқали мамлакатда пул-кредит эркинлигини таъминлаш ва инвестиция жозибадорлигини оширишнинг мақсадли параметрига эришиш асосланган;

мамлакат фискал соғломлигини мустаҳкамлашни таъминловчи давлат қарзи йиллик миқдорининг юқори даражасини белгилаш асосида ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат қарзи даражасини пасайтиришни таъминлаш ҳамда келгусида бюджет тақчиллиги даражасини ошиб кетишининг олдини олиш таклифи ишлаб чиқилган;

² Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион мұхит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2017. – 46 б.; ² Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги. Илмий-амалий қўлланма. – Т.: Baktria press, 2017. – 24 б. Ваҳобов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2010. – 153 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002.; Бекмуродов А.Ш. О перспективах присоединения Республики Узбекистан к индексу глобальной конкурентоспособности всемирного экономического форума. «UzBridge» электрон журнал. № , декабрь, 2019.; «Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион юксалиш моделини излаб...». Тошкент: «XXI ASR». 2018. – 215 б.; Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 137 б.; Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – «Молия, пул мұомаласи ва кредит. Иқтисод фанари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация./ЎзР Банк-молия академияси . – Т., 2007. 235 б.; Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Диссертация. Т.: IFMR, 2014. 212 с.; Нарбаева Т. К. Халқаро рейтинг ва индекслар – Жаҳон миқёсида Ўзбекистон нуфузини оширади, мавқенини мустаҳкамлади, шаффоффликни таъминлади. «Янги Ўзбекистон» газетаси 2020 йил, 29 июль.; Жұмаев Н.Х. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тұлов балансини тартибга солишининг концептуал жиҳатлари. «UzBridge» электрон журнал. №1, декабрь, 2019.; Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. 08.00.007 – «Молия, пул мұомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация./ЎзР. Банк-молия академияси. – Т., 2008.; Саттаров О.Б, Бозоров Р.Х. Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда самарали иштирокини таъминлаш мамлакат инвестицион мұхити жозибадорлигини оширишнинг асосий омилидир. «UzBridge» электрон журнал. № 4, декабрь, 2020.; Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишини фаоллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул мұомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация /ТМА. – Т., 2012.

тарифсиз барьерлар учун тайинланадиган жарима балларини кескин камайтирган ҳолда савдо бўйича ўртача ҳисобланган тариф ставкаси оптималь даражасини белгилашга асосланган ўзаро боғлиқ мақсадли кўрсаткичлар сценарийлар пакети ёрдамида 2030 йилда Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индексидаги Савдо эркинлиги индикатори бўйича 73,6 баллик мақсадли кўрсаткичига эришиш асосланган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР. Маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг халқаро иқтисодий индексларнинг инвестициявий иқлим жозибадорлигига таъсири хусусидаги илмий-назарий фикрларини қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

инвестиция муҳити инвесторлар томонидан сафарбар этиладиган капитал қўйилмаларни улар йўналтирилган ҳудудда кузатилиши мумкин бўлган рисклар ҳамда ушбу маблағлардан кутилаётган самара даражасини олдиндан ифодалайдиган омиллар йиғиндиси деб баҳоланади;

иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш ҳамда уни баҳолаш бевосита халқаро молия институтлари ва рейтинг агентликлари томонидан юритиладиган халқаро иқтисодий индексларга боғлиқдир;

индекс ва рейтинг атамалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги нуқтаи назаридан, индекс бу – унда иштирок этувчи мамлакатлар жамланмасида ҳар бир мамлакат бўйича инвестицион муҳитга таъсир қилувчи омилларни тавсифловчи индикаторларнинг мавжуд ҳолатига кўра кўрсаткичларининг рўйхати ёки регистри бўлса, ушбу ҳолатда рейтинг мазкур рўйхат ёки регистрнинг долзарблиги ва аҳамиятига кўра баҳо бериш орқали тартибли қилиб тузилган шаклидир;

мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги иштироки кўлами кенгайса ҳамда улардаги кўрсаткичлари ва ўрни қанчалик яхшиланса, ушбу мамлакатда давлат томонидан ҳам хусусий сектор томонидан ҳам жалб қилинадиган хорижий сармояларнинг устама ҳақлари ва шартлари шунчалик даражада енгиллашади³.

³ Борисова О.В., Малых Н.И., Овешникова Л.В. Инвестиции. В 2 т. Т. 1. Инвестиционный анализ: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2017. – 55 с.; Балдин К.В., Быстров О.Ф., Передеряев И.И., Соколов М.М. Инвестиции: Системный анализ и управление / Под ред. Проф. К.В. Балдина. – 2-е изд. – М.:Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2007.–16 с.; Кузнецова С.В., Смирнова О.А. Анализ подходов к оценке инвестиционной привлекательности региона. «Современные научноемкие технологии. Региональное приложение». №1 (45) 2016.; Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2017. – 46 б.

Навбатда инвесторлар учун мамлакатларнинг инвестиция мухити ва инвестициявий жозибадорлигини намоён этадиган халқаро рейтинг ва индекслар акс эттирилган жадвал келтирилади (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларида акс этган халқаро рейтинг ва индекслар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидағи мавжуд инвестициявий мухити жозибадорлигини турли хил омиллар асосида шаклланадиган индикаторлар ёрдамида таҳлил қилиб боради ва ўрганади.

1-жадвал

Инвесторлар учун мамлакатларнинг инвестиция мухити ва инвестициявий жозибадорлигини намоён этадиган халқаро рейтинг ва индекслар⁴

| № | Халқаро рейтинг ва индекслар | Рейтингни тузувчи ташкилотлар | Баҳоланадиган параметрлар |
|---|--|--|--|
| 1 | Глобал рақобатбардошлиқ индекси | Бутунжаҳон иқтисодий форуми | Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий параметрлари |
| 2 | Kearney тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ишонч индекси | Kearney глобал бошқарув консалтинг компанияси | Инвестицион мухитига таъсир қилувчи омиллар асосида мамлакатларнинг келгуси даврда ривожланиш имкониятлари |
| 3 | Жаҳон рақобатбардошлиқ рейтинги | Менежментни ривожлантириш институти (Швейцария) | Мамлакатларнинг корхоналар барқарор қиймат яратиши мумкин бўлган мухитни шакллантириш имкониятлари |
| 4 | Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси | БМТнинг саноатни ривожлантириш институти (UNIDO) | Мамлакатларниг рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариши ва экспорт қилиш имкониятлари |
| 5 | Бизнесни юритиш индекси | Жаҳон банки (World Bank Group) | Бизнесни юритиш учун ҳукуқий мухит |
| 6 | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун тартибга солиши чекловлари индекси | Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (The Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD)) | Иқтисодий соҳалардаги инвестицияларга нисбатан қонуний чекловларни |
| 7 | Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси | Тинчлик учун жамғармаси | Мамлакатда истиқомат қилаётган инсонлар ва фаолият юритаётган компаниялар учун мавжуд хавфлар |
| 8 | Иқтисодий эркинлик индекси | Мерос жамғармаси (Heritage Foundation) | Дунё давлатларида иқтисодий эркинлик даражаси |

Инвестицион жозибадорликка таъсир кўрсатувчи халқаро индексларнинг баҳолаш методологияларини тадқиқ қилиш натижасида қатор олимлар

⁴Муаллиф томонидан интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

хулосалари, турли халқаро рейтинг ва индексларнинг методологияларини ўрганиш натижасида қўйидагилар аниқланди⁵:

Глобал рақобатбардошлиқ индекси маҳсулдорликнинг 12 та асосий драйвери ёки «устунлар»идан ташкил топган бўлиб, индексда ушбу 12 та устун бўйича тақсимланган 103 та кўрсаткичи мавжуд. ГРИнинг умумий балининг 1/3 қисмини ташкил этувчи 47 та кўрсаткич сўровномалар асосида аниқланади. Сўровнома ноёб ва глобал тадқиқот бўлиб, ҳар йили 150 та ҳамкор институтлар ёрдамида 15000 та бизнес раҳбарлари ўтасида ўтказилади;

IMD Жаҳон рақобатбардошлиқ рейтингини ҳисоблашда миқдорий ва сифат масалаларни алоҳида ўлчаш учун ҳар хил турдаги маълумотлардан фойдаланилади. WCYда статистик маълумотлар қаттиқ маълумотлар деб номланиб, улар умумий рейтингнинг 2/3 қисмини ташкил этади. Қолган мезонлар ҳар йили ўтказиладиган ижрочилар фикри бўйича сўровномалардан иборат бўлиб, умумий рейтинг 1/3 қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади. Қаттиқ маълумотлар рақобатбардошлиқнинг маълум бир вақт ичида қандай ўлчангандигини кўрсатса, сўров маълумотлари бозор иштирокчилари томонидан қабул қилингандек рақобатбардошлиқни ўлчайди. Қолаверса, сўров осонликча ўлчанмайдиган масалаларни (масалан, бошқарув амалиёти, коррупция, мослашувчан муносабатлар ва ҳ.к.) миқдорий баҳолаш учун ишлаб чиқилган;

Иқтисодий эркинлик индекси мамлакатдаги мулк хуқуқидан тортиб молиявий эркинликгача бўлган эркинликнинг 12 жиҳатини 4 кенг тоифага бирлаштирган ҳолда ўрганади. Ушбу тоифалардаги ўн иккита эркинликнинг ҳар бири 0 дан 100 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади. Мамлакатнинг умумий балли ушбу ўн иккита иқтисодий эркинликнинг ўртачаси ҳисобига олинади ва ҳар бирига teng вазн берилади. Чунки Иқтисодий эркинлик индексида иқтисодий эркинликнинг ҳар бир компоненти иқтисодий эркинликнинг ижобий афзалликларига эришишда бирдек муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир эркинлик мамлакат балларини аниқлашда teng даражада баҳоланади;

халқаро индексларнинг баҳолаш методологияларига кўра сиёсий, хуқукий, ижтимоий, иқтисодий, молиявий, экологик тизим, инфратузилма, ишлаб чиқариш, ишчи кучи, инновация, ресурс ва хом ашё, коррупция, бизнес самарадорлиги каби индикаторлар инвестицион жозибадорликни баҳолашда энг кўп ишлатиладиган кўрсаткичлар сифатида аниқланди. Шундай экан, юқорида номлари келтирилган индикаторлар мажмуи ва улар таркибига киравчи

⁵Артеменко В.Г., Белендири М.В. Финансовый анализ. – М.: ДИС, 1999. – с. 27. Ефимова О.В. Финансовый анализ. – М.: Бухгалтерский учет, 1999. Банковская система Российской Федерации и ее антикризисное регулирование: учеб.пособие / О.А. Тарасенко, Е.Г. Хоменко. – М.: Норма, 2009. – с.69. [https://www.imf.org/external/pubs/ft/fsi/guide/2006/pdf/rus/guide.pdf.](https://www.imf.org/external/pubs/ft/fsi/guide/2006/pdf/rus/guide.pdf;); Рейтинг финансовой устойчивости банков: методологии присвоения рейтингов по глобальной шкале. Пер. с англ. – Moody's Investors Service, 2007. – С. 30.

мезонлар орқали дунё мамлакатларининг инвестицион жозибадорлик ҳолати аниқланади ва баҳоланади.

2-жадвал маълумотларида Сингапур давлатининг ялпи ички маҳсулоти, жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ҳамда халқаро иқтисодий индекслардаги кўрсаткичлари динамикаси келтирилган.

2-жадвал

Сингапур давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ, ТТХИ ва халқаро иқтисодий индекслар бўйича кўрсаткичлари⁶


| Кўрсаткичлар номи | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| IMD World Competitiveness ranking | 1 | 3 | 4 | 5 | 3 | 3 | 4 | 3 | 3 | 1 | 1 |
| The Global Competitiveness Index | 3 | 3 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 3 | 2 | 1 |
| Fragile States Index | 160 | 157 | 158 | 158 | 158 | 159 | 161 | 161 | 161 | 162 | 162 |
| DOING BUSINESS | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| The Kearney FDI Confidence Index | 24 | - | 7 | 10 | 9 | 15 | 10 | 10 | 12 | 10 | 12 |
| OECD FDI Regulatory Restrictiveness Index | - | - | - | - | - | - | - | - | 0,04 8 | 0,05 9 | 0,05 9 |
| GDP (млрд. АҚШ дол) | 239, 8 | 279, 4 | 295, 1 | 307, 6 | 314, 9 | 308 | 318, 8 | 343, 3 | 376 | 374, 4 | 340 |
| FDI, net inflows (млрд. АҚШ дол) | 55,3 | 49,2 | 55,3 | 64,4 | 68,7 | 69,8 | 67,9 | 100, 8 | 83,1 | 120, 4 | - |

Ушбу давлатнинг халқаро иқтисодий индекслардаги ўрни доимо юқори эканлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек мамлакатнинг IMD Жаҳон рақобатбардошлик рейтинги бўйича 2010-2020 йиллардаги кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, 2010 йилдаги 1-ўриндан 2011 йилда 3-ўринга тушган бир пайтда ТТХИлар ҳажми мос даврларда 55,3 млрд доллардан 49,2 млрд долларга камайган бўлса, 2018 йилдаги 3-ўриндан 2019 йилда 1-ўринга кўтарилилган даврда ТТХИлар ҳажми эса 83,1 млрд доллардан 120,4 миллиард долларга ошган. Шунга ўхшашиб ҳолатни Глобал рақобатбардошлик индексидаги кўрсаткичлар динамикасида ҳам кузатиш мумкин.

Демак, юқорида қайд этилган иккита халқаро иқтисодий индекслар бўйича Сингапур давлатининг кўрсаткичлари мазкур давлатга жалб қилинган ТТХИлар

⁶ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

ҳажмига тўғри пропорционал равища таъсир кўрсатади деган хуласа қилиш мумкин.



1-расм. 2010-2020 йилларда Сингапур давлатининг ЯИМ ҳажми ва ТТХИларнинг ЯИМга нисбати⁷

1-расм маълумотларида Сингапур давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ ҳажми ва мамлакатга жалб қилинган ТТХИларнинг ЯИМга нисбатан фоиздаги кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, ушбу давлатда ТТХИлари ҳажмининг мамлакат ЯИМга нисбати ўртacha 22-25 фоизни ташкил этмоқда. 2019 йилда эса мазкур кўрсаткич 32 фоизгача кўтарилигини кўриш мумкин. Таққослаш учун, у одатда дунё бўйича ялпи ички маҳсулот билан ўлчанадиган иқтисодиёт ҳажмининг 2-3 фоизини ташкил қиласа, 2019 йилда эса дунё бўйича ушбу нисбатнинг ўртacha кўрсаткичи 1,95 фоизни ташкил этган⁸. Эксперталар фикрича, агар мамлакат ҳар йили ялпи ички маҳсулотнинг 5-6 фоизидан ошадиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қиладиган бўлса, бу мамлакат учун катта муваффақият ҳисобланади.

Навбатдаги жадвалда тадқиқот обьектларидан бири сифатидаги Швеция давлатининг 2010-2020 йиллардаги таҳлил учун керакли бўлган маълумотлари келтирилган.

3-жадвал

Швеция давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ, ТТХИ ва халқаро иқтисодий индеклар бўйича кўрсаткичлари⁹

| Кўрсаткичлар номи | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|-----------------------------------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| IMD World Competitiveness ranking | 6 | 4 | 5 | 4 | 5 | 9 | 5 | 9 | 9 | 9 | 6 |

⁷ Жаҳон банкининг интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

⁸ <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD>


⁹ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

| | | | | | | | | | | | |
|---|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| The Global Competitiveness Index | 4 | 2 | 3 | 4 | 6 | 10 | 9 | 6 | 7 | 9 | 8 |
| Fragile States Index | 175 | 175 | 177 | 177 | 177 | 177 | 171 | 174 | 170 | 170 | 172 |
| DOING BUSINESS | 18 | 14 | 14 | 13 | 14 | 11 | 8 | 9 | 10 | 12 | 10 |
| The Kearney FDI Confidence Index | - | - | - | - | 16 | 18 | 22 | 15 | 14 | 15 | 15 |
| OECD FDI Regulatory Restrictiveness Index | 0,05 9 |
| GDP (млрд. АҚШ дол) | 495, 8 | 574, 1 | 552, 5 | 586, 8 | 582 | 505 | 515, 7 | 541 | 555, 5 | 531, 3 | 537, 6 |
| FDI, net inflows (млрд. АҚШ дол) | 0,6 | 7,0 | 4,3 | 1,3 | -8,6 | 10,3 | 15,6 | 28,0 | -1,0 | 16,6 | - |

З-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, Швеция давлатининг келтирилган глобал индекс ва рейтинглардаги ўрни топ-10 ёки топ-15 таликда эканлиги кўринади. ЯИМ ҳажми эса майдони 450 минг км квадратни ташкил этадиган ва аҳоли сони 10,4 миллионга яқин бўлган давлат учун 2020 йилда 537,6 млрд АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, аҳоли жон бошига қарийб 52 минг АҚШ долларига тўғри келмоқда. Бу эса мамлакат иқтисодиёти дунёдаги барқарор ва рақобатбардош миллий иқтисодиётлардан бири эканлигини кўрсатади. Швеция иқтисодиётининг ривожланганлиги унинг экспортга йўналтирилганлиги билан ҳам изоҳланади. Унинг асосий бойликлари ёғоч, гидроэнергетика ва темир рудалари ҳисобланади. Хомашё ва қайта ишланган хом ашё Швеция экспортининг катта қисмини ташкил қиласди. Лекин ахборот технологиялари ва биотибиёт каби илм талаб қиласди тармоқларнинг иқтисодиётдаги улуши ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб, мамлакатда замонавий инфратузилма, мукаммал ички ва ташқи алоқа ҳамда юқори малакали ишчи кучини етарли даражада шаклаланганлигидир.

ХХ асрнинг бир неча ўн йиллари давомида Швеция қашшоқ аграр мамлакатдан энг бой ва энг ривожланган саноат кучларига айланишида ички бозор салоҳиятининг кичиклиги йирик швед компаниялари фаолиятларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун экспортга йўналтирилган бўлиши керак эди. Бу вазиятдаги эрта глобаллашув швед компанияларига халқаро рақобатда устунлик берди. Натижада, Швеция аҳоли сонига мутаносиб равишда йирик трансмиллий компаниялар ва Volvo, Scania, Saab, Erickson, AstraZeneca, Electrolux, Ikea, Hennes and Mauritz, Hasselblad ҳамда Systemair каби таниқли брендлар сони бўйича жуда юқори кўрсаткичларга эришди.

Юқоридаги каби вазиятларда самарали иқтисодий сиёсат юритиш асосида амалга оширилган ислоҳотлар ҳисобига Швеция бугунги кунда диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётга эга бўлди.



2-расм. 2010-2020 йилларда Швеция давлатининг ЯИМ ҳажми ва ТТХИларнинг ЯИМга нисбати¹⁰

2-расмда Швеция давлатининг 2010-2020 йиллардаги ЯИМ ҳажми ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши келтирилган. Агар ушбу кўрсаткичларни ўзаро таҳлил қиласиган бўлсак, кўриниб турганидек ушбу даврда ТТХИлар ҳажмининг ЯИМга нисбатан улушкининг энг юқори ҳолати 2017 йилда бўлиб, у 5 фоизни ташкил қиласиган, энг паст кўрсаткич минус бир фоиз бўлиб у 2014 йилда қайд этилган. Агар ушбу 10 йиллик даврдаги ТТХИларнинг ЯИМга нисбатан улушкини ўртачасини ҳисоблайдиган бўлсак, бу кўрсаткич 1,4 фоиздан иборат.

Агар дунё бўйича ушбу кўрсаткич 2-3 фоизни, эксперталар фикрича эса 5-6 фоизни таъминлаш иқтисодиёт учун жуда яхши ҳолат бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, хукумат томонидан ТТХИларни жалб қилиш борасида камида 2-3 фоиз атрофидаги барқарор кўрсаткични сақлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Чунки расмдаги ЯИМ ва ТТХИларнинг ЯИМдаги улушкини изоҳловчи график чизиқларига назар солинса, ТТХИларнинг ЯИМдаги улушкининг ЯИМ ҳажмига тўғри пропорционал таъсир этишини кузатиш мумкин. Демак, ТТХИларнинг барқарор кўрсаткичларда жалб қилиниши мамлакат ЯИМ ҳажмини ҳам барқарорлигини таъминловчи омиллардан биридир.

Мамлакатимиз инвестицион жозибажорлигини оширишда халқаро иқтисодий индексларда иштирокини кенгайтириш ва ўрнини яхшилаш билан

¹⁰ Жаҳон банкининг интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

боглиқ қуидаги йўналишларда айрим муаммолар мавжудлиги кўришимиз мумкин:

1. Ривожланган давлатларда иқтисодий ўсиш ва инвестицион жозибадорликка халқаро иқтисодий индекслардаги кўрсаткичларни таъсирини таҳлил қилиш натижасида, IMD Жаҳон рақобатбардошлиқ рейтинги ва Глобал рақобатбардошлиқ индексидаги ўзгаришлар мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ва жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмига тўғри пропорционал таъсир қилиши аниқланди. Лекин ушбу халқаро иқтисодий рейтинг ва индексда Ўзбекистоннинг иштироки бугунги кунгача таъминланмаган;

2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини самарали таъминлашда кадрларнинг бевосита ушбу йўналишда билим кўникмаси етарли даражада эмас;

3. Иқтисодий эркинлик индекси бўйича МДҲ давлатлари орасида ҳеч бир давлатнинг 2021 йилги умумий натижаси Ўзбекистоннинг 2030 йилда белгилаган мақсадли кўрсаткичи даражасида эмас. Бу ҳолат, МДҲ давлатлари тажрибасидан фойдаланган ҳолда ушбу индекс бўйича мамлакатимиз натижаларини яхшилашга доир ислоҳотларни амалга оширишда белгиланадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконияти даражасини пасайтиради;

4. Ўзбекистон Республикаси учун муҳим бўлган халқаро рейтинг ва индексларнинг мазмуни ва моҳияти ҳамда уларнинг афзалликлари, шу билан бирга уларни ҳисоблаш методикасига асосан натижаларни самарали яхшилашнинг назарий ва амалий ҳамда методологик жиҳатларига доир билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласи катта аҳамият касб этади. Лекин мамлакатимиз таълим соҳасида умумий ёки ихтисослашувга мос бўлган бу борадаги билим ва кўникмалар билан таъминловчи таълим бериш тизими ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаган;

5. Мамлакат инвестициявий муҳитини яхшилаш ва жозибадорлигини ошириш мақсадида солиқ юки индикатори баҳосини 95,7 баллга етказиш мақсад қилинган бўлиб, бунинг учун таркибий субиндикаторлар (жисмоний шахслар даромад солиги ва корхоналар фойда солиги ставкаси ҳамда жами солиқ юки даражаси) бўйича ўртacha фоизни 12 фоизга тушириш талаб этилади. Бу ҳолат эса, ўз-ўзидан бюджет-солиқ сиёсатида ушбу ўзаро боғлиқ бўлган солиқ ставкалари ва солиқ юкини оптималлаштириш бўйича тизимли ислоҳотларни амалга ошириш муаммосини кун тартибига қўяди;

6. Импорт квоталари, экспорт чекловлари, демпингга қарши божлар, божхона расмийлаштириш талаблари, давлат харидлари сиёсати ва давлат монополиялари каби савдога тўсқинлик қилувчи чекловлар учун иқтисодий

эркинликни баҳоловчилар томонидан белгиланган юқори даражадаги (2021 йилда 15 балл) жарима баллар инвестициявий жозибадорликка салбий таъсир кўрсатади;

Юқорида мамлакатимиз инвестицион жозибажорлигини оширишда халқаро иқтисодий индекслардаги иштирокини кенгайтириш ва ўрнини яхшилаш билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изланишлар натижасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий индекслардаги иштирокининг инвестициявий жозибадорликка таъсирини тадқик қилиш билан боғлиқ бўлган қўйидаги хуносалар қилишимиз мумкин.

Маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий изланишлари ва қарашларини ўрганиш натижасида «инвестиция мұхити», «инвестициявий жозибадорлик» тушунчаларининг такомиллашган муаллифлик таърифлари шакллантирилди. Шу билан бирга мамлакатларнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан индекс ва рейтинг атамалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар эканлигини асосланган ҳолда «индекс» ва «рейтинг» га назарий таърифлар ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индексининг давлат харажатлари индикатори бўйича 2030 йилги мақсадли параметрларига эришиши мақсадида, индикаторнинг ҳисоблаш методикасига асосланган ҳолда, давлат харажатларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатини йиллик ўртacha 0,8 фоизли пунктга тушириб бориш орқали мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва индексдаги баҳосини яхшилаш имконияти мавжудлиги қўришимиз мумкин.

Давлат қарзини ЯИМга нисбатан даражасини пасайтиришни таъминлаш ҳамда келгусида бюджет тақчиллиги даражасини ошиб кетиши олдини олиш мақсадида чора-тадбирларни белгилашда давлат қарзини йиллик миқдорини юқори даражасини белгилаш мамлакатнинг бюджет камомади ва қарз юки даражасига асосланган фискал соғломлик қўрсаткичини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индексидаги Савдо эркинлиги индикатори бўйича 2030 йилги 73,6 баллик мақсадли кўрсаткичларига эришиши мақсадида тарифсиз баръерлар учун тайинланадиган жарима балли ва савдо бўйича ўртacha ҳисобланган тариф ставкасига доир ўзаро боғлиқ мақсадли кўрсаткичларга асосланган сценарийлар пакети кераклигини мақолада очиб беришга ҳаракат қилдик.

Мамлакат инвестициявий жозибадорлигини пул-кредит эркинлиги орқали оширишни таъминлаш мақсадида инфляция бўйича сўнгги уч йиллик ва прогноз кўрсаткичларга асосан ҳисоб-китоблардан келиб чиқсан ҳолда Иқтисодий эркинлик индекси методикасига кўра нархни назорат қилиш даражаси учун белгиланадиган жарима (PC penaltyi) баллини пасайтиришнинг минимал кўрсаткичини белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Мараказий Осиё давлатлари ялпи ички маҳсулотлари ҳажми ва ушбу давлатларнинг Иқтисодий эркинлик индексдаги кўрсаткичларига доир маълумотлар асосида амалга оширилган эконометрик ҳисоб-китоблар орқали жуфтлик регрессия функциялари ёрдамида мамлакатларнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги баҳоси ўсишининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кўпайишига таъсир даражасини эластиклик коэффициентлари орқали ифодалаган модел яратиш кераклигини кўришимиз мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Продвинутый курс: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – 37 с.;
2. Кравченко Н.А. Инвестиционный анализ. – М.: Дело, 2007. – 12 с.;
3. Балдин К.В., Быстров О.Ф., Передеряев И.И., Соколов М.М. Инвестиции: Системный анализ и управление / Под ред. Проф. К.В. Балдина. – 2-е изд. – М.:Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2007.–16 с.;
4. Дорошенко Ю.А. Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: Дисс.докт. экон. наук. – Белгород, 1998.;
5. Борисова О.В., Малых Н.И., Овешникова Л.В. Инвестиции. В 2 т. Т. 1. Инвестиционный анализ: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2017. – 55 с.
6. Кузнецова С.В., Смирнова О.А. Анализ подходов к оценке инвестиционной привлекательности региона. «Современные научноемкие технологии. Региональное приложение». №1 (45) 2016.;
7. Марголин А.М., Быстряков А.Я. Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе экономики. – Челябинск: Южно-Уральское книж. из-во, 1998.;
8. Шумпетер Й.А. История экономического анализа. СПб.: Экономическая школа, 2004.;
9. Глушкова Т.Г. Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док. науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург, 1998.
10. Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Т.: 2017. – 46 б.;
11. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги. Илмий-амалий кўлланма. – Т.: Baktria press, 2017. – 24 б.

12. Ваҳобов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Т.: «Молия», 2010. – 153 б.;
13. Гозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002.;
14. Бекмуродов А.Ш. О перспективах присоединения Республики Узбекистан к индексу глобальной конкурентоспособности всемирного экономического форума. «UzBridge» электрон журнал. № , декабрь, 2019.;
15. «Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион юксалиш моделини излаб...». Тошкент: «XXI ASR». 2018. – 215 б.;
16. Маматов Б.С., Ҳужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 137 б.;
17. Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация./ЎзР Банк-молия академияси . – Т., 2007. 235 б.;
18. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Диссертация. Т.: IFMR, 2014. 212 с.;
19. Нарбаева Т. К. Ҳалқаро рейтинг ва индекслар – Жаҳон миқёсида Ўзбекистон нуфузини оширади, мавқеини мустаҳкамлайди, шаффоффликни таъминлайди. «Янги Ўзбекистон» газетаси 2020 йил, 29 июль.;
20. Жумаев Н.Х. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари. «UzBridge» электрон журнал. №1, декабрь, 2019.;
21. Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. 08.00.007 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация./ЎзР. Банк-молия академияси. – Т., 2008.;
22. Саттаров О.Б, Бозоров Р.Х. Ўзбекистоннинг ҳалқаро рейтинг ва индексларда самарали иштирокини таъминлаш мамлакат инвестицион муҳити жозибадорлигини оширишнинг асосий омилидир. «UzBridge» электрон журнал. № 4, декабрь, 2020.;
23. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий худудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация /ТМА. – Т., 2012.